

Худудлар мисолида:

Т/р	Худудлар номи	Объектлар сони	2019 йилда топширилган объектлар	Йилдан йилга ўтган
1	Қорақалпоғистон Республикаси	18	18	
2	Андижон вилояти	37	37	
3	Бухоро вилояти	45	45	
4	Жиззах вилояти	26	26	
5	Қашқадарё вилояти	45	45	
6	Навоий вилояти	17	17	
7	Наманган вилояти	34	34	
8	Самарқанд вилояти	50	50	
9	Сирдарё вилояти	22	20	2
10	Сурхондарё вилояти	36	36	
11	Тошкент вилояти	50	44	6
12	Фарғона вилояти	35	35	
13	Хоразм вилояти	31		
14	Тошкент шаҳри	28	22	6
<b>Жами:</b>		<b>474</b>	<b>460</b>	<b>14</b>

Мазкур қарор билан жами **66835** та қувватга эга **474** та мактабгача таълим ташкилотлари курилиш-таъмирлаш ишлари учун **1 млрд. 548 млн. 103 минг 270** сўм маблағлар молиялаштирилган.

### **2020 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ВА БОШҚА МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН**

2020 йилда жами **1499,0** млрд. сўмлик **463** та мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш режалаштирилган.

Шу жумладан:

- 2020 йил Инвестиция дастури доирасида **1247,7** млрд. сўмлик **371** та;

- Инқизозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига **200** млрд. сўмлик **55** та;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги “Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида аҳоли уй-жойларини куриш ва таъмирлаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари билан таъминлаш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги 294-сон қарорига асосан сўмлик **9** та мактабгача таълим ташкилотларини муқаммал таъмирлаш вазифаси юклатилди. Мазкур мактабгача таълим ташкилотлари тўлиқ фойдаланишга топширилди.

- Вазирлар Маҳкамаси Раёсат Мажлиси баёнлари билан **28** та мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш ва уларни молиялаштириш бўйича вазифалар топширилди. Бугунги кунда барча мактабгача таълим ташкилотлари молиялаштирилган.

Бугунги кунда Инвестиция дастурига киритилган **60** та мактабгача таълим ташкилотлари йилдан-йилга ўтувчи объект сифатида 2021 йил Инвестиция дастурига киритилган. Шундан:

**16** та объектлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 575-сон қарорига асосан;

вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги режадаги лимитни ўзлаштира олмаган **41** та объектлар;

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсат Мажлиси баёнлари (20.08.2020 й. 84-сон, 19.11.2020 й. 144-сон) билан 2020 йил учун ажратилган лимитларни Кўқон шаҳридаги **2** та (*11- ва 23-сон*) ва Ангрен шаҳардаги **1** та (17-сон МТТ) МТТлар ўзлаштирилмаслиги сабабли, 2021 йил Инвестиция дастурига киритиш таклифи берилган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани “Бешқўргон” МФЙдаги 240 ўринли янги қурилиш обьекти учун камида 45 сотих ер майдони зарур бўлиб, етарли ер майдони ажратиш масаласи ҳал этилмаганлиги учун ҳамда Бекобод тумани Янгиҳаёт МФЙдаги бўш турган бино темирбетон (панелли) бўлганлиги сабаб бинонинг ҳажмий режавий ечимини МТТга мослаштириб ўзгартириш имконияти мавжуд эмаслиги ва бинонинг ташқи ер майдони 150 ўринли ер майдони қуриш учун етарли эмаслиги сабабли, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмасдан ушбу обьектлар дастурдан чиқарилган.

Жами 463 та мактабгача таълим обьектларидан **60** таси йилдан-йилга ўтувчи обьект ва **2** таси дастурдан чиқарилган бўлиб, қолган **401** таси 2020 йилда топширилиши белгиланган. Шундан, январь-ноябрь ойларида **284** та обьектлар фойдаланишга топширилиб, қолган **117** таси йил якунига топширилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги “2020-2022 йилларда “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4565-сонли қарорининг 6- ва 16-иловалари билан 2020 йилда **371** та мактабгача таълим ташкилотларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш топшириғи “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК зиммасига юклатилган.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида лойиҳа-смета хужжатларининг мақбуллаштирилиши ҳамда ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра **166** млрд **286** млн. **900** минг сўм маблағлар иқтисод қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсат Мажлисининг 2020 йил 04 апрелдаги 41-сонли баёнига асосан “Инқизотга қарши кураш жамғармаси” маблағлари ҳисобига 55 та мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш топшириғи белгиланган бўлиб, мазкур Раёсат Мажлиси баёни ижросини таъминлашда лойиҳа-смета хужжатларининг мақбуллаштирилиши ҳамда ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра **21** млрд. **840** млн. **800** минг сўм маблағлар иқтисод қилинди.

Юқоридаги жами **188** млрд. **127** млн. **700** минг сўм иқтисод қилинган маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 575-сонли қарори билан мақбуллаштирилди ва қўшимча 28 та мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилишга жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2020 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4864-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсат Мажлисининг 2020 йил 19 ноябрдаги 145-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида, 2021 йил дастур доирасида марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига қурилиши, таъмирланишини режалаштирган объектларнинг лойиҳа-қидирув ишларини манзилли рўйхатини шакллантириш ҳамда лойиҳа-смета хужжатларининг бориши бўйича қуидагиларни маълум қиласман.

Дастур доирасида республика бўйича 184 та мактабгача таълим ташкилотлари 2021 йилда қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда ушбу объектлар бўйича бош лойиҳа ташкилотларини энг мақбул таклифлар танлови асосида танлаб олиниб, лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг

компанияси” давлат унитар корхонаси Вазирлик билан 2020-2023 йилларда мактабгача ёшдаги болалар қамровини 71,6 %га етказишни таъминлашда ҳамкорлик билан фаолият олиб бормоқда.

Инвестиция дастурлари бўйича республика миқёсида 29000 га яқин кувватлар яратилди.